

“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси Ахборот хизмати бошлиғининг баёноти!

Сўнгги пайтларда аҳоли айниқса, ёшлар орасида турли ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиш ва уни турли кўринишда ижтимоий тармоқларга жойлаштириш авж олмоқда. Жорий йилнинг 15 январь санасида ўслирин боланинг Сергели станциясида турган вагон устига чиқиб, ўзини суратга тушириш яъни “селфи” қилиш нияти фожеали якунланди. 27 минг волт кучланишдаги ток уриши натижасида танасининг 90 фоиздан ортиқ қисми куйиб, бош мия ёпиқ жароҳати билан Республика шошилинч тиббий ёрдам масканига ётқизилган.

Афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Ёшларимизнинг жамоатчилик эътиборини тортиш мақсадида одоб-ахлоқ нормаларга тўғри келмайдиган “жасорат”лари алал-оқибат ўзларининг соғлиги ва ҳаётларига жиддий хаф солиб, инсон учун энг азиз неъмат - умрларига зомин бўляпти.

Мутасадди идоралар вакиллари темир йўл атрофида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари билан маҳаллаларда семинар машғулотлари ўтказиб, тушунтириш профилактика ишларини мунтазам ўтказиб келишмоқда. Аммо бу каби ҳолатларни тўла олдини олиш ва бартараф этишда барча бирдек масъулиятни ҳис қилиши ва ҳамжиҳатликда ишлаши лозим.

Хурматли ота-оналар келажагимиз эгаси бўлмиш - фарзандларимизни барча хатти-ҳаракатлари, шугулланаётган машғулотларидан доимий хабардор бўлинг. Уларнинг бўш вақтларини худа-бехуда ўтказишларига йўл қўйманг. Айниқса, ёшлар ўртасида урф бўлиб бораётган ижтимоий тармоқлардаги “фаоллик”ларини ўз вақтида аниқлаб, олдини олиш чораларини кўришимиз шарт. Кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган кўнгилсизликлардан вақтида хулоса чиқармасак оқибати барчамизга маълум.

Фирдавс Хайриддинов
“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси
Ахборот хизмати бошлиғи